



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

Юртимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар, ҳеч шубҳасиз, катта аҳамиятга эга. Лекин оддий одам бу ўзгаришларни ўз кундалик турмушида, ўз дастурхонида, яқинлари, дўсту биродарларининг ҳаёти мисолида кўрмаса, барча қилган ишларимиз беҳуда, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз,

Ислом КАРИМОВ

2008-йил
13-декабр, шанба
№149 (2562)

Навоий вилояти кенгашининг сессияси

Шу йил 12 декабр куни Навоий шаҳрида Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Навоий вилояти, Навоий шаҳри ҳақида, бу ерда жойлашган, ўзининг салоҳияти, нуфузи ва бетакорлиги билан нафақат Ўзбекистонда, керак бўлса, бутун дунёда ном таратган йирик санат корхоналарининг — бу Навоий кон-металлургия ёки «Навоийцемент» комбинати бўладими, «Навоийазот» бирлашмаси ёки Навоий ГРЭСи бўладими — уларнинг фаолияти ҳақида албатта кўп гапириш мумкин, деб таъкидлади Юртбошимиз. Бугунги кунда мана шундай корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг 54 давлатига экспорт қилинаётганининг ўзи ҳам кўп нарсани аниқлатади.

Шу билан бирга, вилоят далаларида пахта ва галла етиштириётган, Томди, Конимех ва Учқудуқ туманларида чорвачиликни ривожлантириш, айниқса, қимматбаҳо қорақўл терисини тайёрлаш билан донғи кетган, бир сўз билан айтганда, мана шу бепоян ҳудудда меҳнат қилаётган одамларнинг мамлакатимиз тарақиётига, унинг обрў-эътиборини оширишга қўшаётган муносиб ҳиссаси ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги кунда олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида тўхтаб экан, куйидаги масалаларга алоҳида урғу бериб ўтди. Аввало, бугунги тез ўзгариб бораётган, катта диққат ва масъулиятни талаб қиладиган вазиятни танқидий баҳолаш ва ҳар қайси инсон, биринчи навбатардан доимо сезгир ва огоҳ бўлишни, замоннинг ўзи илгари сураётган масалаларни ечишга қодир бўлишни кун тартибига

қатъий қилиб қўймоқда.

Иккинчидан, биз Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллигини нишонлаб, истиқлолимизнинг 18-йилга қадам қўйган бир пайтда ўзида юз йилларга тенг бўлган тарихни, беқиёс ўзгариш ва янгиликларни муҳим эътибор билан шу давр ҳар биримизни янги-янги мақсад ва вазифалар сари даъват этмоқда.

Бугун барчамиз қўриб турибмиз — санатда, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларида, қишлоқ хўжалигида қандай мураккаб жараёнлар кечапти. Айниқса, тобора кенгайиб бораётган жаҳон молиявий инқирози ва унинг оқибатларини ҳисобга олиш, бу иқтисодий тангликнинг салбий таъсирини бартараф этиш зарурати олдимизга ўта оғир, илгари биз кўрмаган муаммоларни қўймоқда. Мана шундай кескин бир шароитда иқтисодиёт соҳаларини замон талаблари асосида бошқариш учун ишга янгица ёндашув, янгица муносабат керак. Лўнда қилиб айтганда, бугун дунёда рўй бераётган жараёнлар, ҳар қайси ҳудуд ва минтақамизда амалга оширилаётган ўзгаришлар барчамиздан янгица қараш ва тафаккурни, ташаббускорлик ва фидоийликни янада кўнчайтиришни талаб қилади.

Учинчидан, ҳар қайси одам, аввало раҳбарлар ўз фаолиятига баҳо берганда, бугун қиладиган ишларимиз, барча ишловчи одамларимиз ким учун, нима учун, уларнинг негизинда нима турибди, деган саволни ўзига такрор ва такрор беришини истардим. Ўйин, бугун барчамизга яхши таниш бўлган фикр — «Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган қараш ҳар қайси еттакчининг фаолиятида, у раҳбарлик қиладиган

корхона ёки муассасада ўз тасдиғини топтирими, йўқми, деган савол доимо эътиборимиз марказида туриши керак.

Содда қилиб айтганда, ким бўлмасин, у деҳқон, ишчи ёки хизматчи бўладими, авваламбор одамларимизнинг ҳаёт даражаси, оладиган даромади, болаларимизнинг таълим-тарбия олиши, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ижобий ўзгаришлар бўлаётгани, йўқми, деган муҳим масалалар бугунги фаолиятимизда асосий ўрин эгаллаши даркор.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар, ҳеч шубҳасиз, катта аҳамиятга эга. Лекин оддий одам бу ўзгаришларни ўз кундалик турмушида, ўз дастурхонида, яқинлари, дўсту биродарларининг ҳаёти мисолида кўрмаса, барча қилган ишларимиз беҳуда, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз, деди мамлакатимиз раҳбари. Шу маънода, биз нимаики қилмасак, қандай вазифада ўтирмасак, барчамиз ана шундай аччиқ ҳақиқатнинг мағзини, таъбир жоиз бўлса, тўққиз пулдай қақиб, тушуниб, англаб олишимиз керак.

Шундан сўнг Президентимиз мажлис аҳли эътиборини Навоий вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳақида, уларнинг олдимизда турган мақсадларга қанчалик жавоб бериши тўғрисида фикрлашиб олишга қаратди.

Авваламбор, жорий йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сезиларли натижаларга эришилгани қайд этилди. Буни 2008 йилнинг 9 ойи давомида вилоятда янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 8 фоиз, санат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

2 фоизга ошгани ҳам кўрсатиб турибди.

Мажлисда сўнгги олти йил давомида вилоятда барча манбалар ҳисобидан қарийб 1 триллион 588 миллиард сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирилиб, экспорт ҳажми 2 баробар ортгани ижобий баҳоланди. Вилоятда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 5 та лойиҳа амалга оширилиб, охириги икки йилда қарийб 4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва шунинг ҳисобидан 3 миллион долларга яқин маблағ иқтисод қилингани алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, қурилиш материаллари санатини модернизация қилиш дастурига мувофиқ, 2007 йилда 6 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Йилга 7 миллион донага яқин ғишт ишлаб чиқариладиган 3 та завод, асфальт-бетон, мрамор плиткалар, зшиқ-ром тайёрлайдиган корхоналар фойдаланишга топширилгани шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги соҳасида барча ҳудудларимиз қатори Навоий вилоятида ҳам фермерлик ҳаракати қишлоқда асосий ҳал қилувчи қўлга айлантирилган эътиборни қаратди. 2008 йили вилоят миқёсида етиштирилган пахтанинг қарийб 99 фоизи, галланинг эса 78 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келгани ҳам бунга аққол тасдиқлайди.

Албатта, Навоий вилояти шароитида деҳқончилик билан шуғулланиш, бу заминнинг ҳамма ҳам чидай олмайдиган жазираси исмиги, гармисел шамолларига бардош бериб, ердан ҳосил ундиришининг ўзи бўлмайди. Бунинг учун инсонда кучли ирода, ўз ёри, ўз ишига меҳр ва садоқат бўлиши керак.

Биз учун устувор масала

бўлган шаҳар ва қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳам кейинги даврда Навоий вилоятида бир қатор ишлар қилинган. Эътиборга сазовор, деди Ислом Каримов. Хусусан, сўнгги беш йил мобайнида 490 километрлик ичимлик суви ва 500 километрлик ортиқ табиий газ тармоқлари ишга туширилди. Ана шундай амалий ишлар ҳисобидан аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш 74,5 фоизга, табиий газ билан таъминлаш даражаси эса қарийб 84 фоизга етганини қайд этиш ўринлидир. Шулар қаторида 1 миллион 430 миң квадрат метрдан ортиқ, жумладан, қишлоқ жойларда 1 миллион 270 миң квадрат метр уй-жой барпо этилди.

Айниқса, таълим соҳасидаги дастурларимиз доирасида 75 та мактаб, 2 та академик лицей, 32 та касб-хунар коллежи ишга туширилгани ёш авлодимизни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашдек эзгу мақсадларимизга хизмат қилади.

Айни пайтда тибиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг амалий натижаси сифатида вилоятда 40 та қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Бундан ўн-ўн беш йил олдин миқёсида етиштирилган пахта кулайликларга эга бўлган мана шундай замонавий, қўрқам таълим ва тибиёт масканлари, янги турар-жойлар, боғ-роғлар пайдо бўлади деб ким тасаввур қилар эди, деб таъкидлади Юртбошимиз. Буларнинг барчаси аҳолига қулайлик яратиш билан бирга, вилоятни янада обод қилиш, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини бутунлай ўзгартиришга катта ҳисса бўлиб қўшилгани, албатта, одамни хурсанд қилади.

(Давоми 2-бетда)

Янгиликлар

Панорамаси

Қумқўрғон давлат таъминоти хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси жорий йилда 1,5 млрд. сўмдан ортиқ савдо хизмати кўрсатишга эришти. Соф даромад эса 150 млн. сўмдан ошиб кетди.

Ўқувчиларга стипендия

Корхона даромадидан кам таъминланган оилаларга доимий моддий ёрдам кўрсатилапти. Бундан ташқари, жамоа ҳар байрамда ногиронлар, боқувчисини йўқотганларга совға-салом улашмоқда. Энг ибратлиси, савдо ходимлари туманда жойлашган, вилоят 2-маҳсус ихтисослашган мактабининг билим ва яхши ҳулқи билан ажралиб турувчи 10 нафар ўқувчисига ҳар ойда стипендия ажратишапти.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» муҳбири

«Кўнғирот толаси» масъулияти чекланган жамияти қошида «Кўнғиротбрэнет» тўқимачилик корхонасининг ишга туширилиши юзидан ортиқ ишларнинг иш билан таъминланшига сабаб бўлди. Тошкент тўқимачилик фабрикасида олиб келиб ўрнатилган 306 млн. сўмлик асбоб-ускуналардан самарали фойдаланилаётгани тўғрисида бу ерда кунига икки миң метрдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилапти.

Янги иш ўринлари

Корхона раҳбари Ойбек Бекчановнинг таъкидлашича, асосан Кўнғирот сода заводи учун қўлқоплар, ўт ўчириш муассасаларига брезент кийимлар ва пахта қабил қилиш пунктлари учун брезентлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ип ҳозирча Беруний тўқимачилик корхонасидан олиб келинмоқда. Кейинчалик уни корхонанинг ўзида ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу эса шубҳасиз яна янги иш ўринлари очиб имконини беради.

Мухаббат Тўрабоева,
«Ishonch» муҳбири

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва Журналистлар ижодий уюшмаси, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг республика-миздаги ваколатхонаси ташаббуси билан Қашқадарьда «Биланлий таълим дастури доирасида маҳалла маслаҳатчилари, матбуот, телевидение, радио соҳасидаги ҳудудий муқофот тавлови» ақинига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов якунланди

Шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, матбуот ходимлари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этган анжуманда танлов ғолиблари муқофотлар топширилди.

«Qashqadaryo» газетаси ижтимоий масалалар ва табиат бўлими муҳаррири Шоҳиста Бозорова, республика миллий телерадиокомпаниясининг вилоятдаги муҳбири Боймурод Кўнғиров, Қарши шаҳар телевидение-ниеси бош муҳаррири Лобар Ҳайдарова, Қарши туманидаги Ертепа қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Латофат Чориевага қимматбаҳо совғалар топширилди.

Иzzат ҲИҚМАТОВ,
«Ishonch» муҳбири

Самарқанд вилоятида ёшларга уй-жой қуриш, узок муддат фойдаланидиган товарлар харид қилиш учун кредитлар ажратиш намунали ташкил этилган.

Ёш оилаларга ёрдам

Бунга ташкилотлар ҳам ўз улушини қўшапти. Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти келишувига мувофиқ 55 та корхонада хизмат қилаётган 79 нафар ходим фойдасиз кредит имтиёзидан фойдаланишди.

Шунингдек, 2862 нафар оила фарзандлари ўқув қуроллари, дарсликлар, мактаб уст-бошлари билан таъминланди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Ишбилармон Шоҳида Нуритдинова, Марғилон шаҳрида «Шоҳ бегим» ўқув марказини очиб, бичиш-тичиш, савтларошлик, уй ҳамшираллиги, ошпазлик йўналишлари бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этди.

«Шоҳ бегим» марказида

— Ёшларнинг касбга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда, — дейди у. — Шу кунларда бу ерда 20 га яқин қиз касб маҳоратини ошираётти. Биз машгулотларни тингловчиларнинг бўш вақтига қараб белгилаймиз. Келгусида «Элита» пардалари ва келинлар либосини тикиш ательесини ташкил этиш мўлжалланган. Шунингдек, 2009 йилда яна 150 дан ортиқ ёшларни касбга йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Мухаммадҷон МАҲМУДОВ

Маҳмуджон Тўқмоков боғдорчиликка ихтисослашган «Авесто Зардушт» фермер хўжалигини ташкил этганига кўп бўлгани йўқ. Аммо ўтган қисқа вақт мобайнида бу ерда ибратли ишлар амалга оширилди.

Яхшидан боғ қолади

Жумладан, хўжалик жамоаси дастлаб 10 гектарда боғ, 2 гектар майдонда эса тоқзор барпо этди. Боғ қатор ораларида етиштирилаётган мевали кўчатлар 200 миң туғдан ошиб кетди. Маважуд ўрик, шафтоли, олма, нок, гилос каби мевали дарахтлар ҳар йили ўз вақтида буталмоқда. Кўчатлар қиш уйқусига кетган пайтда яқобга қондирилади. Тоқзорлар йил давомида уч марта хомтоқ қилиниб, беш марта турли препаратлар билан қимёвий ишлов берилади.

Хуллас, соҳибкорлар маҳаллий, юқори ҳосилли навларни қўлайтириш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар яратиш иштирокида қўлни қўлга бериб меҳнат қилишмоқда. Боғни янада кенгайтириб, мевани қайта ишлайдиган кичик цех барпо этиш ниятлари ҳам бор.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Э.О.Турдимовни Навоий вилояти ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Эркинжон Окбутаевич Турдимов Навоий вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 12 декабр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Б.М.Рузиевни Навоий вилояти ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Баҳриддин Муртазаевич Рузиев Навоий вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 12 декабр



Зангиота туманида жойлашган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Назарбек» санаторий-профилакторийсида ошқозон-ичак, юрак-қон томир, нафас олиш, эндокрин тизим, асаб касалликларини даволаш бўйича муолажалар ўтказилади.



«Назарбек» сиҳатгоҳи

Бу ерда муолажалар минерал сув, балчик, игна, сув билан, руҳий даволаш каби усулларда амалга оширилади. Дам олувчилар бир вақтининг ўзида ҳам даволаниб, ҳам мазмунли хордиқ чиқаради. Бунинг учун турли кечалар, концерт дастурлари ва саёхатлар уюштириш йўлга қўйилган.

Суратларда: сиҳатгоҳ ҳайтидан лавҳалар. Мухаммад АМИН (УЗА) олган суратлар

Сиз нима дейсиз?



Илгари ялангбош юрган болаларни оналари: «Бошинга калпок (дўппи) кий, лолакизгалдоқларнинг офтоби уриб кетади»...

Шарқда пайдо бўлган. Дастлаб Ироқда ироқи дўппилар тикилган, сўнг мамлакатимизнинг Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Тошкент вилоятларига кириб келган.

Айтиш жоизки, Чуст, Марғилон, Андижон, Шахрихон дўппилари Тошкентдан то Термиз ва Ургангача сотилмоқда.

«Калпок билан урсанг йиқилмас, ўлмайд» каби мақол ва ибораларнинг кўпчилиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Бундан ташқари, дўппи билан боғлиқ баъзи иримлар ҳам мавжуд. Масалан, эри ёки ўгли олисга кетса калпогини ўраб олиб қўйиш ҳозир ҳам баъзи жойларда мавжуд.



Дўппи кийинг, вазизлар

Нега? Чунки калпок мияни иссиқ ва совуқ уриши, ҳатто шамоллашдан сақларкан.

орасида турли ривоятлар ҳам юради. Қалпок қачон ва қаерда пайдо бўлган? Маълумотларга қараганда, у эраимиздан аввал

турли модалар кетидан қувши ачинарли. Айниқса, шаҳарларда бу яққол кўринади.

Дўппининг тарихи, унинг шаклидан аниқлашнинг менталитетимизга хос белгиларнинг маъноларини билиш ҳар бир ўзбек учун муҳимдир.

ажина бўлмайди, ундан шайтон қочади, деган ақида натижаси дейиш мумкин.

Ўзбекларда бош кийим азалдан қадрияти келган. Халқ орасида «Дўппининг устидан ҳатлама», «Дўст бошга, душман оёққа қарайди».

Жалолiddин ТУРДИЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

АКАДЕМИК МУРОД ШАРИФХЎЖАЕВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудолукка учради. Шафқатсиз ўлим иқтисодиёт соҳасидаги йирик олим, давлат ва жамоат арбоби, сенатор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги Мурод Шарифхўжаевич Шарифхўжаевни 76 ёшида орамиздан олиб кетди.

М.Шарифхўжаев 1932 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. 1953 йили Тошкент молия-иқтисод институтини тугатиб, шу институт қошидаги аспирантурага ўқишга кирди. 1960 йилда номзодлик, 1976 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1956 йили Тошкент халқ ҳўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети)да доцент сифатида иш бошлаган М.Шарифхўжаев ўзининг 55 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида кафедра мудири, Тошкент халқ ҳўжалиги институти ректори, Тошкент молия институти ректори каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилди ва юртимизда ёш иқтисодчи кадрларни тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди.

М.Шарифхўжаев 1990-1991 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси бош илмий котиби вазифасида хизмат қилди.

У давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси, 2006 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сифатида фаолият кўрсатди.

Атоқли олим ўз шоғирдлари билан биргаликда Ўзбекистонда инвестицион мажмуаларни ривожлантириш муаммоларини илмий тадқиқ этишда салмоқли ҳисса қўшди. Унинг мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг назарий ва амалий масалаларига бағишлаб ёзган мақола ва рисолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматқаш олим ўз фаолияти давомида жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларини сабоқ берди. Жумладан, унинг бевосита раҳбарлигида 10 нафар фан доктори ва 50 дан ортиқ фан номзоди тайёрланди.

Академик М.Шарифхўжаевнинг мамлакатимиз фани ривожига қўшган ҳиссаси давлат томонидан муносиб тақдирланиб, у «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» ва «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвонлари билан сазовор бўлган эди.

Ийрик олим, давлат ва жамоат арбоби, меҳрибон устоз, камтарин инсон Мурод Шарифхўжаевнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУХАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЕЕВ, Э.ЗОХИДОВ, Ш.СОЛИХОВ, А.ПАРПИЕВ, С.ФУЛОМОВ, М.САЛОХИДДИНОВ

Ўт балосидан асрасин

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги якунланди. Лекин шунга эътибор қилмаслик керакки, ёнгинга қарши кураш доимий давом этадиган жараён ҳисобланади.

Фаолиятимизнинг катта қисми ишхонада ўтади. Шундай экан, меҳнат жамоамизга қарашли мулкни ёнгиндан асраб-авайлаш зиммамизга катта масъулият юклайди.

— телевизор, радиоприёмник, магнитофон, компьютерларни электр манбаларига уланган, шунингдек, электр чирокларини ёқилган ҳолда қолдирмаслик;

— кутқарув йўлларини тўсиб қўймаслик;

— тез парланувчи ва алангаланувчи суюқликларни сақлашмаслик;

— хизмат хоналари, шунингдек, махсус ажратилган жойда тамаки чекмаслик;

— вақтинчалик ишлатиладиган электр симлар, ишга яроқсиз, қўлбола электр асбоб-ускуналаридан фойдаланмаслик зарур.

Ярим тунда уйга қайтган Жамшид Мансуров кўрған-билганларини қозғога туширишга киришди. Ҳар гал кўзги шудгорлаш мавсумида шундай йўл тутайди.

Иш сифати ва суръатидан ташқари уни механизаторларга яратилган шарт-шароит, хавфсизлик қоидаларига оғишмай амал қилиниши, иш ҳақларининг ўз вақтида тўланиши, муаммоларни бартараф этиш чоралари қизиктиради.

Беором қалб

Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюмаси Гиждувон туман кенгаши раиси Жамшид Мансуров марказдан 150-200 километр узоқда жойлашган «Кўкча» ширкат ҳўжалиги бошқармаси МТПлар билрлшмаси ҳамда агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюмаси вилоят кенгаши қўшма қарорига асосан, шудгорлаш мавсуми якунида илгорларга рангли телевизор, видеомагнитофон, гилам берилиши кўзда тутилган.

Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюмаси Гиждувон туман кенгаши раиси Жамшид Мансуров марказдан 150-200 километр узоқда жойлашган «Кўкча» ширкат ҳўжалиги бошқармаси МТПлар билрлшмаси ҳамда агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюмаси вилоят кенгаши қўшма қарорига асосан, шудгорлаш мавсуми якунида илгорларга рангли телевизор, видеомагнитофон, гилам берилиши кўзда тутилган.

Касаначилик самара бермоқда

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан ишсизларни уйда маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ишларига жалб этиш, касаначиларнинг қонун ҳужжатларини белгиланган кафолатларини таъминлашга доир бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Касаначилик соҳасидаги миллий сиваб ҳам имкон қадар касаначи ва бошқа ёлланган меҳнатқашлар ўртасидаги муомала тенглигини қўллаб-қувватлайди. Касаба уюшма ташкилотлари ҳам бу борада салмоқли ишларни амалга ошираётти.

Мирзо Улугбек туманидаги 18 мингга қорхонада касаначилар учун 2008 йилнинг охиригача бошида 75 млн. 514 минг сўм иш ҳақи ҳисобланган бўлса, бу кўрсаткич чорак охирига келиб 96 млн. 76 минг сўмга етди. Касаначилар чорак бошида 87 млн. 975 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, чорак охирида бу рақамни 116 млн. 158 минг сўмга етказишди.

Орамиздаги одамлар

Самарқандда соҳибқирон Амир Темурнинг пири Мир Сайид Барақа номи билан аталувчи маҳалла бор. Қадим шаҳарнинг ўзидай кўна бу маҳалла неча асрлар давомида миллий қадриятларимизга бешик бўлиб келди.

Маҳалланинг бугунги ўтмишидаги дадан-дафайзли десак, муболага эмас. Бу ёрдаги 648 та хонадонда турли миллатларга мансуб 2542 киши истикомент қилади. Халқимизга хос бағрикенглик, ўзга миллат қадриятларига ҳурмат маҳалла аҳли ўртасида кенг тарқалган.

Буларнинг барчасида маҳалла оқсоқоли Суннат Кўбаевнинг хизмати катта. Одамлар бошини қовуштириб, яхши-ёмон кунларидега елкадош бўлишда бу инсоннинг ҳаётий тажрибаси, кишилар кўнглига йўл топа олиши қўл келмоқда.

Эл-юрт фаровонлиги йўлида қилинган меҳнат ҳеч қачон эътибордан четда қолган эмас. Ўнлаб диплом ва фахрий ёрликлар маҳалла фаолиятига берилган юксак баҳодан нишон. Президентимиз фармонига асосан, мустақилликнинг 17 йиллиги арафасида «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирланиши 70 ёшини нишонлаётган оқсоқолнинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлди.

Оқсоқол турмуш ўртоғи Саида опа билан 4 фарзандни эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялади. Умр — оқар суви деганлари бор гап. Хашпаш дегунча бир этак набираларнинг сеvimли бобосига айланди.

40 йиллик меҳнат фаолиятдан сўнг энди кўксали гаштини сураман, набиралар ардоғида бўлман, деб ўтирган бир маҳалда, маҳалладошлари унга юксак ишонч билдириб, фуқаролар йиғинига раис этиб сайлашди.

Маҳаллада ногирон ва етим-есирларга муруват кўрсатиш, қарияларнинг ҳолидан хабар олиш эзгу аънаънага айланган. Бунда Б.Асанов, Г.Омонова, Б.Алиев, Ш.Фаруков, Б.Салимов каби тадбиркорларнинг хизматини таъкидлаш жоиз.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож 121 та хонадоннинг коммунал тўловлари маҳалла гарданида. Айниқса, бу ерда ёшлар учун яратилган имкониятларни қўриб қолганини келадди. Худуддаги 4 та мактаб билан ҳамкорлик ўз самарасини бераётти. Ёшлар учун спорт ва бадий ҳаваскорлик тўғрақлари ишлаб турибди. Маҳалла ҳисобидан турли

спорт анжомлари ва чолгу асбоблари сотиб олинган. Натихада анча йиллардан бун маҳаллада ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик содир этилмапти. Аксинча, маҳалла фахрига айланган иқтидорли ёшлар сафи кенгайяпти. Мисол учун, «Янги авлод» республика танлови ғолиби Фирдавс Муюсаров, Испания пойтахти Мадридда бўлиб ўтган 49-ҳалқаро математиклар олимпиадаси бронза медали совриндори Дибра

Маҳалла фрайзи

хар байрамда кам таъминланган оилалар, ногирон ва ёлғиз қарияларга, гўва-салом улашिलाди. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи давомида бунинг учун 10 млн. 482 минг 520 сўм сарфланди. Тўй ва бошқа маросимларни ихчам, камчиқим қилиб ўтказиш, ортиқча сарф-харажатга йўл қўймаслик борасида маҳалла кенгаши назорат олиб боради.

Эшларни юртимизнинг кўна шаҳарларига саёхатга олиб бориш ҳам маҳалланинг ибратли ишларидандир.

Маҳаллада худуднинг тозаллигига катта эътибор берилди. Шу мақсадда аҳоли ўртасида «Энг ораста хонадон», «Энг аҳил қайнона-келин», «Энг аҳил ёш оила» каби танловлар ўтказилмоқда.

Аҳолининг бандлигини таъминлашда маҳалла фаол иштирок этмоқда. Худудда иш бўлаётган 2 та академик лицей бу борадаги муаммоларни енчишга кўмақ берди. Маҳалладаги қорхона ва ташкилотлар, хусусий дўкон, маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари, меҳмонхоналарга ишсизларни ишга жойлаштириш чоралари қўрилди.

Маҳаллада амалга оширилган маънавий-маърифий ишлар эътибор сазовор. Маънавият ва маърифат хонасида турли наشرлар билан танишиб бориш имкониятини мавжуд. Одамларнинг тўй-маъракасини ўтказиш учун стол-стуллар, идиш-товуқ ва бошқа жиҳозлар ҳам етарли. Тўй-маърака соҳибларига маҳалла ҳисобидан кўмақ берилиб,

Иззатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Шухрат СУЯРОВ, «Ishonch» муҳбири



Боринги шукр, нурунийлар

Онахон

Марғилон шахрининг Терак-таги маҳалла фуқаролар йиғини Эшонгузар кўча 234-хонадонда яшовчи Ханифахон Солиева 105 ёшга тўлди. Онахоннинг бутун умри меҳнат билан ўтди. Турмуш ўртоғи Қосимжон ака атлас тўқувчи бўлгани учун унга фарҳада найча солиб бериш билан бир қаторда, тунлари алламаҳалгача ироқи, бодом нухали дўппилар тикар ва бозорда сотиб тирикчилик қиларди. Шу тарзда икки ўғил ва икки қизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Фарзандлари ўзидек меҳнатсевар бўлиб камол топди. Табарруқ онанинг булуғи кунда 21 нафар навараси, 59 нафар чевараси бор. Улар халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида фаолият юритишмоқда. Онахон ўтишида ўзи бошдан кечирган алам ва изтиробли кунлар билан бугунги ҳаётнинг қувноқ ва фаровонлигини таққослаб, доруломон кунларга шукрона қилиб яшамоқда. Яқинда унга шаҳар ҳўкимлиги томонидан совга топширилди. Бундан момонинг кўнгли тоғдек юксалди. Мухаммаджон МАХМУДОВ, жамоатчи мухбир

Саховат ишончини мустаҳкамлайди

Повнига етган олтин кузнинг хосиятли кунларидан бирида Узун туманидаги «Меҳнат» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги «Лаззат» тўйхонасида Нуриддин Мемқобилова ва Мадина Алимардодова, Икром Чориев, Саодат Худойбердиева, Рустам Бобоқулов, Гулбахор Муродова, Хуршид Махмудов, Мохира Махмудова, Олим Тожиддинов, Хурсаной Даминаева каби ёшларнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Тўйхонага ёр-ёр садолари остида келин-куёвлар кириб келишди. Уларнинг никоҳи Узун туман ФХДЕ ходимлари томонидан қайд этилди. Шу кун юртимизнинг қўтлуғ осто-

нали ёш оилалари сони яна бештага кўпайди. Меҳр-саховатдан бунёд бўлган ёш оилаларнинг сабабчилари кам таъминланган оилалар фарзандлари эканлиги эътиборга лойиқ. Одатимизга кўра маросимни тўйбоши туман ҳўкимли Насрулло Тилавов очиб, ёш келин-куёвларни қўтлар экан, муҳаббат асосида қўрилаётган оила тантаналари бешик тўйи, фарзандлари тўйи, олтин тўйларга уланиб кетишини тилади. Тўйга тўёна билан деганларидек, туман марказий шифохонаси бош ҳўкимий Саъдулло Раҳмонов, «Ботир», «Азизбек» фермер ҳўжаликлари, туман худудидаги тижорат банклари, «Тумангаз» идораси раҳбарлари ҳам ўз совғаларини ёш оилаларга топширишди. Тўйда туман маданият уйи санъаткорлари хизматда бўлдилар. — Туманимизда Ёшлар йили муносабати билан кўплаб тадбирлар ўтказилди. Бугунги 5 та ёш оиланинг никоҳ тўйи шундай эзгу ишлардан биридир. Бундай меҳр-саховат эса ёшларнинг келажакка бўлган ишонч тўй-гуларини янада мустаҳкамлайди, — деди тўй иштирокчиси туман «Нуруний» жамғармаси раиси Нусратулло Шаймардонов. — Бугунги қўтлуғ кунни сира эсдан чиқармаймиз. Тўйимиз аънаналаримизга, расм-русумларга риоя этилган ҳолда жуда қиройли ўтди. Туман ҳўкимлиги ва «Ўжата» фидойий фермер ҳўжалиги ташаббуси билан ўтган бахт тўйимиз учун уларга миннатдорчилик билдираемиз. Шу билан бирга давлатимиз равнақи учун астойдил хизмат қилиб, на-сиб қилса, дунёга келадиган фарзандларимизни ҳам меҳр-мурувватли, ўқимшли инсонлар қилиб тарбиялашга бор имкониятларини сарфлаймиз, — деди, беш қўёв бола номидан Олим Тожиддинов. Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири



Бор бўл, оқибат!

Ўзбек тилидаги барча сўзларнинг маъносини биласизми? Унда жавоб беринг: ҳордиқнинг маъноси нима? Дам олиш демокчимисиз? Адашасиз.

«Хордиқ» нима дегани?

Ўзбек халқида меҳнат қилаётган кишиларга қарата «хорманг» деган мурожаат ишлатилади. Хўш, хорманг ва хордиқ сўзлари алоқадорми? «Хордиқ олишди» деган гапларга мулоқот жараёнида кўп дуч келамиз. Хордиқ ҳеч қачон олинмайди, балки чиқарилади. Хордиқ — чарчаш дегани. Хорманг, деганимизда ҳам аслида чарчаманг, демокчи бўламиз. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам: «хордиқ — меҳнат қилиб чарчаганлик, толганлик, ҳорғинлик, чарчок», дея берилган. Ўзбек тили бой тил. Ҳар бир сўзга эътибор бериб, ўз ўрнида қўллаш катта маҳорат! Сўз охирида Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридан намуна келтириш ўрилли: Подшоҳ деди: «Рўзбех, менга эт аён, Бу қишлоқни қандай этганинг вайрон? Нега қочиб кетди мардуму жонзод, Яна қандай қайта айладинг обод? Муъбад деди: «Бир сўз билан баҳона Бу қадим қишлоқни қучди вайрона.



Улдона АБДУРАХМОНОВА, УзМУ магистри

Тасаввур тилсими

Бой нега йиғлади?

Бирини кўриб... У ривоятни балки эшитгансиз. Қадимда Яман қишлоқларидан бирида Мухсин исми бир камбағал киши тўрт фарзанди ва хотини билан кўш учиде кун ўтказар экан. Унинг бир бадавлат қўшиниси бўлиб, хотини-ю бир ўғли билан яшар, кунда-кунора ўзига ўхшаш бойларни қақриб зиёрат уюштирар, семиз қўйлар сўйилиб, турли таомлар пиширилиб, меҳмондорчилик тонггача давом этаркан. Шундай гурунгларда меҳмонлардан бири: «Биродарлар, ҳаммамиз давлатманд, бой одамлармиз. Ҳамма нарсамиз етарли, ҳеч нарсага зорикмаймиз. Нега ҳажга бориш ҳеч биримизнинг ҳаёлимизга келмайди? Бир ҳаж билан давлатимиз камайиб қолмас, ахир», — деган фикрни ўртага ташлабди. Қолганларга ҳам бу гап маъқул бўлиб, Каъбатуллоҳни зиёрат қилишини ният қилишибди. Кунларни қувиб, ойлар ўтибди. Бойлар ҳаж тадоригини кўриб турган бир пайтда Мухсиннинг иши юришмай оиласи оч қолибди. Очликнинг тўртинчи кун болалари силлани қуриб, ётиб қолишибди. Буни кўрган Мухсин бирон нарса топиш илжинида кўчага отланибди. Орадан бир фурсат ўтиб, Мухсиннинг ҳовлисида ўчоққа ўт қалиниб, қозон осилибди-да, ҳовлини қовурилган гўшт хиди тўтиб кетибди. Бола-да, бойнинг яққа фарзанди келиб, бир бурда гўшт сўрабди. Мух-

син уни рад этиб, ҳовлидан чиқариб юборибди... Йиғлаб келаятган ўғлини овутиб, нима гаплигини сўраб билган отаси важаҳат билан қўшни ҳовлисида пайдо бўлиб, «Ҳа, гўшти бой бўлиб қолдингми? Ўғлимга бир бўлак берсанг, мен бутун кўй сўйиб берардим. Қўшни қўшининг ёш боласидан бир бўлак гўштни аяб ўтирсан, бу нима деган гап?» — дея захрини сочибди. Минг бир истихола билан Мухсин: «Қўшни, ҳа, мен ўғлингизга гўшт бермаганим рост. Чунки у кишига бу гўшдан ёйиш мумкин эмас. Бу қозондаги овқат менинг болаларим учун ҳалол, бойвачча учун ҳаром», — дебди. Бой дарров сергак тортиб, «Нега менинг ўғлим учун ҳаром бўларкан?», — деб сўрабди. — Қўшнижон, менинг болаларим тўрт кундан бўён ҳеч нарса йўқлигидан оч-наҳор эди. Эрталаб намозни

Донолар бисотидан

Кексалик ҳақида Кексаликка яқинлашганда вақт яна ҳам тез ўта бошлайди. Э.СЕНАНКУР Кексалик санъати ёшларга тўғноқ эмас — суянчик, рақиб эмас — муаллим, бифарқ эмас — ҳамдард бўлиш демакдир. А.МОРВА Йўлини билган одамга кексалик ҳам ҳузур-халоват оғушидир. В.ГОГО Қариганда муҳаббатсиз яшай олган одам ёшлиғида ҳам севган эмас, муҳаббат ёш танламайди. Жан ПОЛЬ Кексалик аҳмоқ учун — оғир юк, жоҳил учун — қиш, илм аҳли учун айни ҳосил давридир. Ф.ВОЛЬТЕР Тўпловчи: Ж.ТУРДИЕВ

Сп Орт Оламида Футбол Бўлажак Юлдузлар орамизда

Ўзбекистон Ёкилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг саломатлиги, спорт билан шугулланишига катта эътибор қаратапти. Иил давомида тармоқ меҳнатқашлари футбол, кураш, теннис турнирларида иштирок этди. Аънавий спартакиада, оилавий мусобақаларда қатнашди. Ҳозир мусобақанинг ярим финалида қўйилган натижалар қайд этилди: «Геофизика-1» — «Фазалкент» — 3:0, «Оққўрғон» — «Чигирик» — 1:3. Учинчи ўрин учун бўлган ўйинда фазалкентликлар оққўрғонликларни мағлуб этишди — 3:1. «Геофизика-1» ва «Чигирик» жамоалари ўртасидаги финал ўйинида кучлар тенг келди — 1:1. Пеналтилар бўйича эса тўйтапеликлар 5:4 ҳисобида ғолиб чиқишди. Барча ғолиб ва совриндор жамоаларга кубок, медаллар ва эсдалик совғалари топширилди. Баҳсларни диққат билан қўзғатган Фарғонанинг «Нефтчи» футбол клуби мураббийи Руслан Худойдодов истеъодли ўйинчиларга ўз совғасини топширди. Дастлаб гуруҳ баҳслари бўлиб ўтди. Вилоятнинг турли худудларидан келган «Оққўрғон», «Фазалкент», «Чигирик» (Тўйтапа), ТошДАУ, «Геофизика-1» ва «Геофизика-2» жамоалари



Ҳозир мусобақанинг ярим финалида қўйилган натижалар қайд этилди.



Ҳозир мусобақанинг ярим финалида қўйилган натижалар қайд этилди.

София татамига қайтди

Каратэ бўйича XV Осий ўйинлари ғолиби, китъанинг бир неча қарра чемпиони София Касплатова 2008 йилги мамлакат чемпионати ҳамда бир қатор халқаро мусобақаларда иштирок этмади. У машғулот жараёнида жиддий жараҳат олиб, жарроҳлик столига ётганди. Мана яқинда маҳоратли спортчи яна татамига қайтди. Пойтахтимиздаги «Кўрғонтепа» спорт мажмуасида ўтган Ўзбекистон кубоғида у +60 кг. ва мутлоқ вази тоифаларида барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медалларга эришди. Биз София ва унинг мураббийи, миллий терма жамоа устози Алишер Содиқовни суҳбатга тордик. — София, узоқ танаффусдан сўнг татамига қайтдингиз. Бироқ барибир рақибларингиз Осий чемпиони қаршида оғир қўлишди... — +60 кг. вази тоифаси финалида Регина Ниёзова, мутлоқ вазнинг ҳал қилувчи баҳсида эса Ситора Рафиевага қарши жанг ўтказдим. Ҳар иккаласи ҳам ёш бўлса-да, тажрибали спортчилар саналади. Келажаги порлоқ. — Ҳадемай терма жамоа машғулотлари ҳам бошланади... — 13-14 декабр кунлари мухлислар Тошкентда шотокан-каратэ-до бўйича биринчи Осий чемпионати баҳсларини томоша қилишлари мумкин. Кейинги йил Шарқ яқкакураш турлари бўйича Осий ўйинлари, ҳар икки йилда бир бор ўтадиган китъа чемпионати, қатор халқаро турнирлар ташкил этилади. Ушбу турнирлар ҳам спорт формамни тиклаб олишимизга ёрдам беради, албатта. 2010 йил бўладиган навбатдаги Осий ўйинлари ва жаҳон чемпионатига тайёргарлик ҳозирданок бошланди, деб айтишим мумкин. — Ўзбекистон кубоғи баҳсларида София Касплатова иккита, Лусия Байбулатова 60 кг. вази тоифасида битта олтин медалга эришди. Шунингдек, истеъодли спортчимиз Шаҳбоз Аҳмадов 70 кг. ва мутлоқ вазида, Еркин Раҳмонов 80 кг. вази тоифасида бронза медал соҳиб бўлди, — дея суҳбатга қўшилди Алишер Содиқов. — Қашқадарё терма жамоаси Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикасидан кейин умумжамоа ҳисобида учинчи ўриндан жой олди. Қашқадарёда 5000 нафарга яқин ёшлар каратэ билан шугулланади. Клублардан энг яхши татами усталарини саралаб олдик ва улар шотокан-каратэ-до бўйича «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтадиган Осий чемпионатида омадларини синаб кўришди. Мусобақада китъанинг 20 га яқин давлатидан спортчилар қатнашиш баҳслар нуфузини ошириши шубҳасиз. — Бир неча йилки, миллий терма жамоа штабида ҳам фаолият кўрсатяпсиз. Шогирдингиз София Касплатова Осий ўйинларида ғолиб бўлди, терма жамоа аъзолари ўтган йили Болгарияда ташкил этилган жаҳон кубоғида тўртта олтин, икки кумуш ва учта бронза медалга эришди. Бош мураббий сифатида янги йилдан нималар кутяпсиз? — Биз терма жамоа мураббийлари Ўзбекистондан каратэ бўйича жаҳон чемпиони чиқмагунча ўз мақсадиимизга етдик, деб ҳисоблаймиз ва шунга ҳаракат қиламиз. Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Эълон:

Тошкент шаҳар маданият ходимлари касба уюшмаси кенгаши молия бўлими мудири лавозимига олий маълумотли, касбада ушма ташкилотларида ва ҳисобчи лавозимда беш йилдан кўп вақт мобайнида ишлаган ходимни ишга тақлиф этади. «Ҳамза туман (Фарғона йўли, 21) тадбиркор субъектларни рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2005 йил 5 декабридаги 000836-07-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган, Ҳамза туман, Паркент кўчаси, 263-ўй манзилида жойлашган, давлат рўйхатидан ўтган кундан фаолият юритмаган «Нумо-сҳарм-парво» масъулияти чекланган шайхони (СТПР 205885092) тугатилади. Ўзини-ўзи тугатиш тўғрисидаги 12.12.2008 йилдаги 5-сонли баённома. Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 1 ой муддатда 540-74-84 телефони орқали қабул қилинади».

Logo of Muassis: O'zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi. Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov. Tahrir hay'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV. (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV. (Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AIYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysulov NAFASOVA, Pirmuqol QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV. Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63. Huquq va xalqaro hayot 256-87-73. Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74. Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79. Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43. Reklama va e'lonlar 256-03-90. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasini, 24-uy. E-mail: ishonch-doverie@mail.ru. Nashr ko'rsatkichi: 133; 134. Navbatchi muharriri: A.Qodirova. Navbatchi: A. Abdiev. Musahhih: Sh. Abdusamadov. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchilar: H.Abdullayev va Y.Mixaylovskiy. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonamanzili: «Buyuk Turon» ko'chasini, 41-uy. O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Tjorat materiallari. Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 01.50. Buyurtma T — 1114. 10129 nuxxada bosildi. 2 5 6